



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна

И. Каримов номли Тошкент давлат техника университети катта  
ўқитувчиси

**НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИ АМАЛГА КИРИТИЛИШ ТАРИХИ  
ИСТОРИЯ ВНЕДРЕНИЯ В ЖИЗНЬ БРАЧНОГО ДОГОВОРА**

## Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг VI бобидаги оиласвий муносабатларни тартибга солувчи янги институт, яъни никоҳ шартномаси, уни тузиш тартиби, шартнома мазмуни, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби акс этган. Уни ёритишида “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”, никоҳ шартномасини амалга киритилиш тарихи, мусулмон хукуқидаги тарихий манбалардан фойдаланилди. Хулоса ўрнида, ушбу институт биз ўйлаганчалик ёш эмас ва нафақат Ғарб давлатларида, балки Ўрта Осий давлатларида ҳам никоҳ шартномаси субъектлари (тарафлари) доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деган фикр илгари сурилади.

**Калит сўzlari:** Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти, декларация, Оила Кодекси, оила, никоҳ шартномаси, Усмонийлар империяси, Зартўштийлик, Авесто, Қуръони Карим, менталитет, ФХДЁ.

Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган, 30 моддадан иборат бўлган “Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16-моддасида балоғатга етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бирон-бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва ола қуриш хукуқига эга эканликлари, уларнинг никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганда ҳам бир хил хукуқлардан фойдаланишлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси



Оила кодексининг VI боби эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби деб номланиб, ушбу бобда оилавий муносабатларни тартибга солувчи янги институт, яъни никоҳ шартномаси, уни тузиш тартиби, шартнома мазмуни, уни ўзгаририш ва бекор қилиш тартиби ўз ифодасини топган.

Умумий фикрга асосан никоҳ шартномасининг амалга киритилиши на замонавий ва на Америка хуқуқ тизимиға таалуқлидир. Бу хуқуқий институт биз ўйлаганчалик ёш эмас. Минг йиллар илгари қадимги Греция ва Римда турмуш қурадиган аёл ва эркак мулклари рўйхати кўрсатилган келишувни тузишган ва унда келажакда никоҳ давомида орттириладиган мулкларнинг мерос масаласини ҳам муҳокама қилишган. Бу ҳолат уятли ҳолат саналмаган ва мазкур ўзига хос “суғурта” христианлик дини кириб келгунга қадар амалиётга кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса “муқаддас иттифоқ” номини олган никоҳ шартномасини тузиш ва тартибга солиш черков томонидан амалга оширилган. Англияда 1882 йилгача эр-хотин мулки умумий хуқуқ (common law) бўйича эркакка тегишли бўлган. Ҳаттоқи, аёлнинг никоҳгача эгалигида бўлган мулклари ҳам никоҳдан сўнг эркакнинг эгалигига ўтган. XVII асрдан бошлаб капитализмнинг ривожланиши умумий хуқуқ ва мулк шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқарган ва 1882 йилда Англия парламенти томонидан “Турмушга чиққан аёлларнинг мулки тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.<sup>1</sup>

Шу ўринда мусулмон давлатлари хуқуқий тизимида никоҳ –оила муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Мусулмон хуқуқида оилавий муносабатлар “шахсий мақом хукуқи” институтлари қаторида тартибга солинади. Даставвал мусулмон хуқуқида аёлларнинг оилавий муносабатлар доирасида муайян хуқуқларга эга бўлиши кўзга ташланмаган. Фақат 1915 йилга келиб, Усмонийлар империяси сultonни томонидан иккита мазкур муносабатларга оид фармойиш қабул қилинган бўлиб, мазкур фармойишда аёлларга агар турмуш ўртоғи тузалмайдиган касалликка чалинган бўлса ёки оилани моддий таъминламаган ҳолда узоқ муддат уйида бўлмаса, суд орқали ажрашиш хукуқини берган. 1917 йилда эса Усмонийлар империясининг оила қонуни қабул қилинган бўлиб, у 157 моддадан иборат бўлган ва никоҳ ва уни бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга соглан. Мусулмон давлатлари қонунчилигига никоҳ шартномасининг мақсади оила қуриш ва наслни давом эттириш деб белгиланган. Ироқ давлатининг оила қонунчилиги анча қаттикроқ жавобгарликни белгилаган. 1978 йилда қабул қилинган 21-сонли қонунга кўра, никоҳни судда тузмаган эркак олти ойдан бир йилгача қамоқ ёхуд 300 динордан 1000 диноргача жарима тўлайди. Агар никоҳ бўла туриб,, шу йўл орқали яна никоҳ тузилса, уч йилдан беш йилгача қамоқ жазосига тортиш белгиланган.

Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан республикамизда никоҳ ва оила муносабатларининг шартномавий тартиботи ривожланиши мавжуд тарихий манбаларга асосланилганда жуда узоқ тарихга эга эканлигини англаш мумкин. Мазкур тарихий манбалар орасида Зартъдуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”, Ислом динининг асосий манбаси ҳисобланган “Қуръони Карим” ва туркий халқлар ҳаётига оид бўлган ёзма ёдгорликлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Авестода оила ва турмуш масалалари юзасидан кўплаб қизиқарли маълумотлар мавжуд бўлиб, унда инсоннинг бурчи фақат ахлоқий қоидаларни ўзлаштириш ва

<sup>1</sup> Ф.Абдузимов, С. Толипов. Никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигининг гарови. Тошкент-2010й. 7 бет



уларга амал қилишдан иборат бўлмасдан, балки оилавий турмуш, яхши ёр ва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлашдан иборат бўлиши аниқ ифода этилган.<sup>2</sup> Оила ва никоҳ масалаларини тартибга солишда Ислом дининг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Мазкур диннинг муқаддас манбаси ҳисобланган Куръони Каримда эса эр ва хотининг бир-бирларида ҳақ-хукуқлари, улар ўртасидаги никоҳнинг шартномавий тартиби юзасидан қатор маълумотлар баён қилинган.

Туркий халқлар тарихига оид ёзма ёдгорликларга эътибор берсак, муҳокама қилинаётган мавзу – никоҳ шартномасининг бундан минг йиллар илгари туркий халқлар орасида муомалада бўлганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

“1932 йилда Муғ тоғидан топилган нодир ҳужжатлар мажмуаси топилган бўлиб, улар орасида VII-VIII асрларга оид бўлган гувоҳномаси қайд этилган. Унда никоҳ ва оила шартлари, оилавий-мулкий муносабатлар, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро ва ҳар бирининг иккала томон қариндошлари билан муносабатлари, айниқса, куёвнинг келин қариндошлари олдидағи мажбуриятлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар мавжуд. “Хозирги Самарқандга яқин бўлган жойда никоҳ шартлари битилган қадимги ҳужжат топилган. Бу Муғ тоғидан топилган икки қисмдан иборат терига битилган никоҳ шартномасидир. Унда 710 йил 25 март куни Уттегин исмли турк йигити ва Дуғдғунча исмли қиз ўртасида никоҳ шартлари битилган. Ҳужжат ўша даврдаги ижтимоий вазият ва ҳуқуқ тизимини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шартномада вакил ва гувоҳлар иштирокида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Уттегин никоҳ давомида аёлини моддий жиҳатдан таъминлаши, унга сабабсиз қўл кўтармаслиги, ранжитмаслиги, яқинларини кўриб келиши учун руҳсат бериши сингари шартлар қўйилган. Ўз навбатида Дуғдғунча ҳам эрига итоат қилиши, унинг изнисиз уйдан кетиб қолмаслиги, уй ишларини бекаму-кўст бажариши кўрсатилган. Шунингдек, ҳужжатда эр-у-хотинлардан бири иккинчисининг розилигисиз никоҳ битиимиини бузиш шартлар баён этилади. Жумладан, агар Уттегин Дуғдғунчанинг розилигисиз унинг устига уйланса, у вақтда Дуғдғунчага 30 динорий соғ кумуш драхма товон тўлаши ва уни на хотин ва на хизматкор сифатида тутиб турмай озод этиш шарт бўлган. Яна бошқа ҳужжат Уттегининг Дуғдғунчага қариндошларига берган васиқаси бўлиб, унда куёв қўйидаги шартларни ўз устига олгани баён этилади: “Чата бугундан бошлаб, келажакда, то абад менинг хотиним бўлиб қолади... Сенинг ва Митранинг иштирокида мажбурият оламан: уни сотмайман, қарз ҳисобига қулликка бермайман, бирор кимсага ҳимояга бермайман. Борди-ю, уни мендан тортиб олса, хўрласа, уни зиён-захматсиз сизларга жўнатаман. Чата ўзи кетишини хоҳласа ҳам ... шу тариқа зиён-захматсиз жўнатаман ва соғ саломат топшираман. Агар топширмасам, у ҳолда ... тоза сифатли 100 динорий кумуш драхма тўлайман...”<sup>3</sup> Қизиғи шундаки, ушбу ҳужжат хозирга кундаги юридик актларга ниҳоятда яқин келади. Хусусан никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам, эр ўз аёлига муайян микдорда товон тўлаши лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек ҳужжатда Уттегин ва Дуғдғунчадан туғилажак фарзандларининг ҳақ-хукуқлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган.

Юкорида мазмuni баён этилган иккита тарихий ҳужжатлардан бизнинг аждодларимиз хозирги замон ҳуқуқий тизимига хос бўлган шартномавий муносабатларни бундан 14-15 аср илгари амалга оширганликлари, шунингдек,

<sup>2</sup> Йўлдошев Ж. ва Ҳасанов С. Авестода аҳлоқий-таълимий қарашлар. Т. Ўқитувчи. 1992, 21-бет).

<sup>3</sup> Мухаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик Т-2002, 41-бет.



шартномавий муносабатларнинг мұхим элементлари ҳисобланған шартнома түзишнинг эркінлиги, шартнома шартлари, шартнома предмети, шартнома юзасидан тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани бир томонлама бекор қилиш, шартнома мажбуриятларини бузишдан келиб чиқадиган мажбурият ва кафолати ўз даври учун адолатли тарзда белгилаб қўйилганлиги кўриниб туради.

Ғарбнинг кўплаб мамлакатлари қонунчилигига никоҳ шартномасини түзиш тўлалигича тан олинган бўлиб, умумий равишда никоҳ шартномасида эр-хотиннинг никоҳгача ва никоҳдан кейинги мулкий муносабатлари, баъзан эса никоҳ бекор қилинганда у ёки бу томонга мулкий тусдаги санкцияни қўллаш ҳолатлари назарда тутилади.

Республикамизда никоҳ шартномаси түзиш миқёси ҳозирда ўзининг кенг қамровига эга эмас. Чунки жамиятда хуқуқий нигилизм(хуқуқни, қонунни менсимаслик) ва аҳоли қатламларининг аксарият қисмида никоҳ шартномасининг тузилиши эа ва хотиннинг бир-бирига ишонмаслигидан далолат бериши ҳақидаги нотўғри тушунча мавжуд бўлиб, бу тоифа одамлар ҳақли равишда –“Бўлажак эр ва хотин ўз ҳаётини ишончсизликдан бошлиши мумкинми?” – деган саволни ўртага қўйишади ёки бўлмаса-“бундай шартноманинг тузилиши эр-хотин ўртасида муҳаббат ва хурмат туйғулари йўқлигидан далолат берадику!” мазмунидаги эътиrozни илгари суришади. Юқорида никоҳ шартномасига нисбатан билдирилган эътиrozли фикрларга қўшилиш жуда қийин. Чунки эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ва хурмат туйғуларининг ўзи уларни мазкур шартномани түзишга ундайди ва бу нарса уларнинг муносабатларига ҳеч қандай шартнома соя сола олмайди. Бир сўз билан айтганда, никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигининг гарови, уни хуқуқий жиҳатдан суғурталаш сифатида намоён бўлади. Лекин никоҳ шартномасини түзиш орқали амалиётда энг кўп учрайдиган уйжой ва мол-мулк низолари ҳамда ажralишлар миқдорини камайтиришга эришиш натижалари билан солиширилганда никоҳ шартномаси түзиши амалиётга кенг жалб қилиш энг тўғри йўл экандиги ҳақидаги хulosага келиш мумкин.

Фикримизча, никоҳ шартномасини түзишга келишиш авваламбор эр ва хотиннинг хуқуқий, руҳий ва эстетик жиҳатдан баркамоллигига боғлиқдир. Мазкур шартномани түзишнинг нима зарурати бор деган саволга эса қўйидагича жавоб бериш мумкин: биринчидан, мазкур шартномани түзиш орқали эр-хотин мулкий хуқуқларининг ҳимояси кафолатини таъминлайди.

Иккинчидан, никоҳ шартномасининг тузилиши никоҳ бекор қилингандан кейин ҳам собиқ эр-хотинлар ўртасида самимий муносабатларни сақлаб қолишида мұхим роль ўйнайди. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, республика миқёсида мустақилликнинг дастлабки йилларида: 1991 йилда 286,2минг, 1992 йилда 234,1минг, 1993 йилда 223,0 минг қайд этилган бўлса, <sup>4</sup> сўнгги йилларда 2006 йил давомида 208,5 минг, 2007 йилда эса 254,2мингта никоҳ қайд этилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, 2006 йилда 16,2 минг никоҳ бекор қилинган бўлса, 2007 йилда бу кўрсатгич 18,2 мингни ташкил этган<sup>5</sup>. Демак, бир йилда республика аҳолиси ўртасида никоҳнинг бекор қилиниши билан боғлик ҳолда вужудга келган мулкий низоларнинг доираси кенгайланлигидан далолат бериб, бу ҳолат жамиятимиз учун ҳали янги бўлган ва барча аҳоли қатламлари учун бирдек тушунарли бўлмаган никоҳ шартномаси институтини илмий таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

<sup>4</sup> Отахўжаев Ф ва Юлдашева Ш. Оила хуқуқи. Дарслик. Т.2009, 93 бет.

<sup>5</sup> “Узбекистан в цифрах”, издательство Госкомстат, 2008г, стр 39.



**Хулоса ўрнида** шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи менталитети (руҳияти)дан келиб чиқиб, никоҳ шартномаси субъектлари (тарафлари) доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. Чунки ўзбек оиласида келин асосан куёвнинг ота-онасининг уйида яшайди ва ушбу уйда рўзгор юритади, яъни келин кириб яшайдиган уй қайнота ёки қайнонанинг номида бўлади. Шунингдек, ФХДЁ бўлимида никоҳни қайд қилишни сўраб келаётганлар учун маълумот тариқасида никоҳ шартномаси намуналари кўргазмасининг жорий қилдиниши, мазкур бўлимларда анкета сўровларини ташкил қилиш ва босқичмабосқич тарзда никоҳ шартномасини амалиётга киритиш бугунги кундаги долзарб вазифа бўлиб кўринади. Дарвоке, миллий қонунчиликда никоҳ шартномасини нотариал тартибда расмийлаштирганлик учун давлат фойдасига ундириладиган давлат божи миқдори юзасидан аниқ ставка (таъриф) белгиланмаганлигига эътибор қаратиш лозим! Масалан, Россия Федерацияси Солиқ кодекси II қисми 333.24-моддасининг 10-бандига асосан никоҳ шартномасини тасдиқлаганлик учун давлат фойдасига қатъий суммада-500 рубль миқдорида давлат божи ундирилиш белгиланган.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуазимов Ф., Толипов С. Никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигининг гарови. Тошкент-2010й. 7 бет
2. Йўлдошев Ж. ва Ҳасанов С. Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар. Т. Ўқитувчи. 1992, 21-бет
3. Мухаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т-2002, 41-бет.
4. Отахўжаев Ф ва Юлдашева Ш. Оила ҳукуқи. Дарслик. Т. 2009, 93 бет.
5. “Узбекистан в цифрах”, издательство Госкомстат, 2008 г, стр 39.